

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Ёрматова Дилором Ёрматовна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, профессор

Садуллаева Дилбар Мурод қизи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 3- босқич талабаси

***Annotatsiya:** Suvning ekologik musaffoligi, suv resurklarini ifloslanishdan himoya qilish, suv dunyosi hayvonlarini muhofaza qilish, suvdan oqilona foydalanish, yerlarni sun'iy sug'orish, suvni butun xalq mulki deb e'tirof etish va yana boshqa dolzarb vazifalar. insoniyatdan.*

***Kalit so'zlar:** ekologiya, sanoat, toza suv, toza tuproq, inson omili, kislotali yomg'ir, issiqxona effekti, tabiat, ekologik madaniyat.*

***Аннотация:** Проблемы экологической чистоты воды, защиты водных ресурсов от загрязнения, защиты животных водного мира, рациональное водопользование, искусственное орошение земельных участков, признание воды как достояния всего народа и многое другое, как актуальные задачи человечества.*

***Ключевая слова:** экология, промышленность, чистая вода, чистая почва, человеческий фактор, кислотный дождь, парниковый эффект, природа, экологическая культура.*

***Annotation:** Problems of ecological cleanliness of water, protection of water resources from pollution, protection of animals of the water world, rational water use, artificial irrigation of land, recognition of water as the property of the whole people and much more, as urgent tasks of mankind.*

***Keywords:** ecology, industry, clean water, clean soil, human factor, acid rain, greenhouse effect, nature, ecological culture.*

Бугунги кунда амалдаги озиқ-овқат тизимлари чуқур ўзгаришларга муҳтож, маълумки бу тизим, мавжуд дунё аҳолисининг маълум бир қисмининг

асосий озиқ-овқат бўлган эҳтиёжларини қондира олмаяпти, натижада инсоният ўзини ўраб турган табиатга, атроф-муҳитга ўзига хос бўлмаган катта юк қўймоқда. 2050 йилга келиб дунё аҳолиси 10 миллиардга етиши тахминига кўра, озиқ-овқат маҳсулотига бўлган талаб 2013 йилга нисбатан 50 фоизга ошиши кутилмоқда, бу шунингдек, айниқса, иқтисодиёти паст ва ўрта даромадли мамлакатларда аҳолининг овқатланиш тизимини ўзгартиришни талаб қилади (ФАО 2017). Агарда дунё ошхонасида озиқ-овқат тизими ёки овқатланиш жараёни тубдан ўзгартирилмаса, келажакдаги қўшимча озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларни ошиб бориши иссиқхона газлари чиқиндиларини кўпайтиради, ер ва сувдан оқилона фойдаланишга бўлган талабни янада оширади ва трансчегаравий можаролар, ижтимоий тартибсизликлар ва қитъалараро миграцияларга олиб келади (ФАО 2017). Пандемия бошланиши билан дунёда юз берган иқтисодий кризислар ва бугунги кунда айрим ижтимоий нотинчлардан келиб чиқиб, овқатга туймаган ва ярим оч одамлар сони динамикаси ўсишда давом этмоқда, ФАО маълумотиغا кўра, 2018 йилда 820 миллиондан ошган бўлса, 2022 йилда, ярим оч одамлар сони 2 миллиардга етганлиги маълум бўлди. (Густавссон ва бошқ. 2011).

Ўзбекистондаги демографик маълумотларга назар солсак—аҳоли сонини йил сайин ошиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Демак йил сайин сони ошиб бораётган аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш доимо ҳукуматимизнинг эътиборида туради. Иккинчидан республикада яшовчиларни умр кўриш даражаси узайиб бормоқда ва бу билан дунё стандартлари талабига яқинлашиб бормоқдамиз. 1- Жадвал.

Ўзбекистондаги аҳоли сонинг ўсиб бориш динамикаси

Йиллар	Одам сони млн. киши	Аҳоли сони ўсиши, %
1989	19 682 953	2.45 %
2000	24 591 981	1.51 %
2010	28 292 540	1.60 %

2020	33 226 789	1.51 %
2022	34 227 696	1.50 %

Демак, бизда йил сайин аҳоли сони ошиб бормоқда, уларни озиқ-овқат ва уй жой билан ҳам таъминлаш вазифаси туради. Республика деҳқончилигида ер майдонини камайиб бориши туфайли, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Республикада кейинги вақтларда саноат корхоналари ва машиналар сонининг кескин кўпайгани, саноат экологиясига ҳам катта эътибор бериш зарурлигини кўрсатади. Саноат экологиясини иқтисодий бурилишлар ва табиатдан фойдаланувчиларнинг молиявий сармояларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Она-табиатни албатта антропоген ва техноген омиллар таъсиридан сақлаш учун Давлат томонидан ишлаб чиқилган ишчи дастурга амал қилиниши лозим. Саноат экологиясига катта шаҳарларда сал эътиборсизлик қилинса, табиатда яшовчи инсонларга ва атмосферадаги ҳаво бассейнига, тупроққа ва ичимлик сувларига жуда катта зарар етказилади.

Экология – ҳозирги кунда маълум ҳудуд ёки республика миқёсидан чиқиб, умумбашар муаммосига айланган, биз буни қуйидаги муаммоларда кўришимиз мумкин.

Бутун дунёда инсонларни безовта қилаётган “Озон туйнуғи” табиатни асрашда энг глобал муаммолардан биридир. Озон қатлами қалинлиги 3-5 мм бўлади, бу қатлам ердан 12-50 км узоқликда бўлиб, одамларни қуёшдан келадиган ультрабинафша нурлардан ҳимоя қилади. Қуёшдан келадиган нурлар тўғридан-тўғри ўтиб келса барча тирик организмларни халок қилади. Озон қатлами инсон учун нозик қалқон бўлиб келган, аммо кейинги пайтда ақлли инсон томонидан техноген омилларнинг ривожланиб бориши натижасида нозик қалқонда тешик пайдо қилди [5]. Антропоген таъсирида атмосферага катта миқдорда фторли, хлорли газлар, фреонлар ва (NO₂) азот оксидлари ташланади. Ҳозирги кунда озон тешиги Антарктидада кичикроқ майдонда ва Арктикада

ҳосил бўлди. Шунингдек, катта шаҳарлар устидаги озон қатлами ҳам кун сайин юпқалашиб бормоқда.

Иккинчи катта муаммолардан бири, бу-кислотали ёмғирларнинг ёғиши ҳисобланади, инсон таъсирида атмосферага озон, углевод ва олтингугурт диоксидлари ва бошқа газлар юқори атмосферадан ёғинлар натижасида ерга қайтиб тушади. Кислотали ёмғирлар қаерда ёғмасин, ўша жойдаги тупроқларни заҳарли моддалар билан бойитиб, тупроқ таркибида микроорганизмларнинг фаолиятини бузади, мазкур тупроқдан униб чиққан ўсимлик бу заҳарли маҳсулотларнинг бир қисмини ўзи билан олиб чиқади, шу тариқа инсон организмига ўтиб, оғир касалликлар келтириб чиқаради. Шунингдек, ҳайвонлар ҳам шу ўсимликларни истеъмол қилганидан сўнг уларнинг маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз бўлади ёки нозкологик тоза маҳсулотлардан инсон организмига ўтади.

Учинчи муаммо – кислотали ёмғирлар бўлиб, саноати ривожланган шаҳарларда кўп учрайди, кислотали ёмғирлар инсонларда нафас олиш йўллари, тери касалликларини келтириб чиқармоқда, қаерда атмосферага озон, углевод ва олтингугурт диоксиди тушган бўлса, бундай ёмғирли ҳавода инсоннинг соғлиғи ёмонлашмоқда. Тўртинчи муаммо – “Парниковый эффект” ёки “парник эффекти” деганда карбонат ангидрид сақловчи қалин газлар тутуни юқорига кўтарилиб, ерни ўраб олади, куёш нурларининг очиқ космосга ўтишига тўсқинлик қилади, натижада ерда ҳаво исиб боради ва иқлим ўзгаришига олиб келади. Сўнгги маълумотларга кўра, яқин келажакда (50-60 йил) Арктика ва Антарктида музлари эрибмоёда.[4].

Ўзбекистонда энг катта экологик фожиа – Орол денгизининг куриб бориши ҳисобланади. Орол денгизи ҳажми 67,5 кв. км дан 17,6 кв. км га кичрайдди. Бир пайтлар денгизда юзлаб катта кемалар ва консерва заводлари ишлаган бўлса, унинг бугунги ҳолатни ғоят аянчлидир. Орол денгизи сатҳидан учган тузлар Хоразм, Қорақалпоғистон республикаси худудларидаги тупроқларда шўрланиш даражасини 75 % га ошириб юборди.

Бу ерларда ичимлик сувларининг ифлосланиш меъёри юқори, дарё сувлари шўрлиги сабабли барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги камайиб кетди. Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таркибида туз миқдори юқори. Хоразм ва Қорақалпоғистонда болалар касалликлари бошқа вилоятларга нисбатан кўп учрайди. Ҳавога учувчи бирикмалар (метан, бензол, хлор, фтор, углеродлар-15%) ҳисобланади. Ҳавода муаллақ турадиган зарарлар (чанг, қорақуя қурумлари, асбест, қўрғошин тузлари, мишьяк, олтингурут кислотаси, нефть, диоксинлар) – 15% миқдорда инсон организмига таъсир қилади. Атмосферада перекис водород, радиоактив моддалар (радон-222, стронций-90, плутоний-239 лар) мавжуд бўлгани учун биз нафас олаётган ҳавони тоза деб бўлмайди. Турли ҳилдаги чиқиндиларни ёқишдан юқори ҳарорат натижасида энг зарарли ёки супер экотоксинли газлар ҳосил бўлади [4].

Ёки 2021 йил 2-6 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган қум ва чанг сариқ бзрони ҳақида нима айтиш мумкин. Бундай воқеа бўлганини ҳеч ким эсламайди. Чанг ғубордан 100 метр наридаги масофа кўринмай қолди. Қанча кишиларда нафас қисиши, аллергия ва бўғма касалликлари авж олди. Чанг бўрони яна шундай такрорланса, бир қатор оғир хавфга олиб келади. Чунки биз табиатни тушиниб уни асраш йўлида мутлақо ўйламаяпмиз [2,3]. Аммо табиат ўзининг мавжудлигини, у доимо ўзини сақлаб қолиш учун курашишини бизга эслатиб турмоқда. Аслида табиат тирик организм, ҳар би р тирик организм ўзини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Табиатни ўз органлари бор- сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвон, бизлар эса табиатга бегонамиз. Биз инсонлар ўзи завқимиз, нафсимиз йўлида табиатдаги энг чиройли ҳайвонларни отиб ўлдирдик, энг ноёб дарахтларни кесдик, сувларни ифлосладик, тупроқни заҳарладик, атмосферага заҳарли газларни ташладик. Сон-саноқсиз транспорт машиналари туфайли, атмосферага зарарли газларни ташладик ва дунё бўйлаб ҳаво ҳароратининг ошиб боришига сабаб бўлдик.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан белгиланишича, табиатни ифлослантирувчи моддаларнинг инсон организмига таъсирини қуйидаги ҳолда тасаввур қилиш мумкин: органлар ва тўқималарда ифлос моддаларнинг тўпланиши организм ҳаёт фаолиятидаги ўзгаришлар → касалликнинг физиологик белгилари → касаллик ўлим.

Атмосферага ташланган захарли моддалар ичида хавфлиси азот оксиди (NO_2) ҳисобланади, бу турдаги захарли модда ўз хажмига кўра кўпроқ ва азот оксиди тўғридан-тўғри азот қатламини бузади, умумий шартли захарлилиги даражасига кўра NO_2 захарлилик коэффициенти 20 бирликни ташкил этади, олтингугурт оксиди – 12, карбонат ангдрид CO_2 – 1 бирликка эгадир. Азот оксиди техноген омиллар томонидан энг кўп ишлаб чиқарилади, унинг озгинаси ҳам кўз ёки бурун шиллиқ қаватини зарарлайди, сал кўпроқ бўлса бронхонопневмония- органларни зарарлайди, кўпроғи ўпкани шиширади. Бундан ташқари азот оксиди органларда қон айланишини ишдан чиқаради.

Олтингугурт оксиди ҳам нафас олиш йўллариини захарлайди [1]. Углерод монооксиди бу захарли моддалар ичида ўта хавфлиси бўлиб, у ҳавода жуда кам миқдорда бўлган тақдирда ҳам инсонларни ўлимга олиб келади.

Инсоннинг захарланиши сув орқали ҳам юз беради. Атмосферадаги захарли моддалар ёғинлар ва бошқа таъсирлар билан оқар сувга – ичимлик сувига келиб тушади, натижада сув захарланади. XX аср бошларида сувни захарлайдиган моддалар сони бор йўғи 17 та бўлган бўлса, ҳозир фанда бундай моддалар сони 2.5 мингдан зиёд.

Озиқ – овқатлар таркибида нитратлар, пестицидлар, кислоталар, оғир металлларининг оксидлари, радиоактив ва канцероген моддалар мавжуд бўлса, улар истеъмол учун яроқсиз ҳисобланади [6,]. Айниқса темирйўл ва катта магистраль йўл яқинида ўстирилган мева-сабзавотлар таркибида углеводородлар концентрацияси, нитратлар ва оғир металллар, симоб, кадмий, қўрғошин кўп бўлади. аммо биз кейитнги йилларда темир йўл йўллар

яқинидаги майдонларга ҳам экинлар ёки дарахтлар экиб улардан маҳсулотлар олиб, истеъмол қилиб ўзимизни ва ёнимиздаги одамларни заҳарламоқдамиз. Урбанизация натижасида дарахтлар кесилиб, кислород берувчи манбалар камайиб бормоқда, чўлланиш ва тупроқларни шўрланиши дунё бўйлаб тезлик билан катта майдонлар яроқсиз ҳолга келиб қолмоқда. Ўзбекистон ҳам бу иллатдан холи эмас, йилдан йилга бизда кўп майдонлар қишлоқ хўжалик экинларни экишга яроқсиз бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Агаджанян, Н. А., Гужвин, И. И., Полунин, И. Н. Экологическая безопасность и здоровье / Н. А. Агаджанян, И. Н. Гужвин, И. Н., Полунин. — Астрахань: Издательство АГМА, 2000. — 144 с.
2. Ёрматова Д.Ё. Экология. Ташкент . Фан ва технология. 2017 год. 267 с.
3. Ёрматова Д.Ё Хушвактова Х.С. Городская и промышленная экология. Фан ва технология. 2021 год. 273 с.
4. Горелов, А. А. Социально-политические проблемы охраны окружающей среды / А. А. Горелов // Человек и природа. — М., 1980. — С. 163-164.
5. Новиков, Г. А. Очерки истории экологии животных / Г. А. Новиков.1. Л.: Наука, 1980. — 278 с.
6. Одум, Ю. Основы экологии / Ю. Одум. — М., 1975. — 740 с.